## Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2021 йил I ярим йиллиги давомида амалга оширилган ишлар тўғрисида Маълумот

| Т/р | Амалга ошириш лозим вазифалар | Ижроси |
| --- | --- | --- |
| 1 | Дарсликлар билан таъминланганлиги | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги 727 та умумтаълим мактабларининг 1-11-синфлардаги жами 352,4 минг нафар ўқувчилар таълим ўзбек, рус, қорақалпоқ, қозоқ ва туркман тилларидаги дарсликлар билан 98,8 % га таъминланган.<br>2020-2021-ўқув йилига таълим ўзбек, рус, қорақалпоқ, қозоқ ва туркман тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларининг 1 синфлар учун 4 номда, 4-, 5- синфлар учун тўлиқ тўпламда, 2 синф чет тили ва машқ дафтари ҳамда 3-, 4- синфлар учун чет тили класс шет тили дарслиги ва машқ дафтарлари, 8-9-синф Информатика, 1-9- синфлар учун Тарбия дарслиги, жами 487 номдаги 1 млн. 623 минг 375 дона дарсликлар ва ўқув қўлланмаларга олиш режалаштирилиб, бугунги кунда “Ўқув таълим таъминот” ДУК Қорақалпоғистон филиали томонидан 1 млн. 534 минг 813 дона (96,8%) дарсликлар ва ўқув қўлланмалари қабул этилди ва умумтаълим мактабларига етказиб берилди. |
| 2 | Ижтимоий ҳимоя бўйича олиб борилган ишлар | 2021 йил 6 ой давомида 571 нафар боланинг ҳуқуқлари муҳофаза этилиб, улардан 5 нафар бола Гудаклар уйига, 8 нафар бола 1-сонли “Меҳрибонлик уйи”га жойлаштирилди, 244 нафар бола васийликга, 62 нафари хомийликга ва 252 нафар бола фарзандликга берилди. Бугунги кунда “Меҳрибонлик уйи»да 120 нафар болалар тарбияланмоқда, улардан 63 нафари ўғил бола, 57 нафари қиз болаларни ташкил этади. |
| 3 | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирилиги «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг 2021 йил 1 ярим йиллиги давомида | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги 727 та умумтаълим мактабларида ҳар хил ўлчамдаги 583 та спорт зал, 2070 спорт майдончалар булиб, 178 мактабга спорт зал мавжуд эмас. Шундан 87 тасига спорт зал курилиши бўйича таклифлар берилди.<br>Ушбу спорт залларда 2961 спорт тўгараклари бўлиб уларда 81 069 нафар ўқувчи ёшлар мунтазам шугилланади. Биринчи ярим йиллик давомида 36 та мусобақалар |

| | | |
|---|---|---|
| | | ўтказилди. Шуғилланувчилар сони ўтган йилгидан 5 фоизга ошди |
| 4 | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги “**Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги ПФ-6099-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 ноябрдаги “**Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**”ги 735-сонли қарори ижроси | **«Қувноқ стартлар-2021»** телевизион спорт мусобақаларининг ***биринчи (мактаб) босқичи*** буйруқга мувофиқ, 2021 йилнинг **январ–феврал ойларида** умумтаълим мактабларининг 5-8-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилмоқда, «Қувноқ стартлар-2021» телевизион спорт мусобақаларига барча шаҳар ва туманларда жами, 45572 нафар (*шундан 21834 нафар қизлар*) ўқувчилар иштирок этишди.<br>Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 5 мартдаги ***“Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Умид ниҳоллари-2021” спорт мусобақалари ташкил этилди.*** Республика финал босқичини ўтказиш графиги мувофиқ, Нукус шаҳрида 2021 йил 14-16-апрел кунлари спортнинг 11 та ***яъни,*** **футбол, баскетбол, волейбол, гандбол, енгил атлетика, бадминтон, шахмат, стол тенниси, кураш, спорт ва бадиий гимнастикаси** турлари бўйича юқори савияда замонавий спорт иншоотларида ўтказилди. |
| 5 | Халқаро тан олинган педагогик технологияларни ўрганиш ва жорий этиш; | Халқаро педагогик технологияларни маҳаллий таълимга интеграция қилиш ҳамда Методик хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш мақсадида Нукус шаҳридаги Чет эллик ўқитувчилар, тажрибали фан методистлари ва ўқитувчилар, ИТ-марказ ва телевидение ходимлари билан хамкорилкда “Методик-тур” лойиҳаси жорий қилиниб, асосан қизил тоифадаги мактабларга ёрдам кўрсатилмоқда. |
| 6 | Фан олимпиадаларини ташкил этиш | Бу йилги фан олимпиадаларида **7 нафар** ўқувчиларимиз Ўзбекистон Республикаси миқёсида совриндор бўлиб, олий таълим муасасасаларига ўқишга кириш учун максимал балл бериладиган сертификатга эга бўлишди. |
| 7 | “Очиқ олимпиадалар” ташкил этиш | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ташаббуси билан махаллий Олий таълим муассасалари, “УзкорГаз” қўшма корхонаси”, Беруний, Қораўзак туманлари ҳокимликлари билан “Очиқ олимпиадалар” ўтказиш тизими йўлга қўйилди. |
| 8 | Матбуот анжуманини ўтказиш | Жорий йилнинг 3-март куни Нукус шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 46-сонли |

| | | |
|---|---|---|
| | | умумтаълим мактабининг мажлислар залида матбуот анжумани ўтказилди ва барча ОАВ иштирок этди ва кенг ёритилди. |
| 9 | Бюджетдан ташқари маблаг топиш | 2021-йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида бюджетдан ташкари маблағлар жами<br>969,2 млн сўм, шундан ошхона ижараси буйича 230,5 млн, бино иншоатлар ижараси учун<br>46,9 млн, тугараклардан 31,1 млн, бошка хизматлардан 145,5 млн ва баркамол авлод ижод мактабларидан 524,4 млн сумни ташкил этди. |
| 10 | 276 та мактабда локал тармоқ ва Wi-Fi зоналар яратиш | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги жами 276 та мактабларда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари хонасига локал тармоқ орқали, ўқитувчилар хонасига эса Wi-Fi қурилмалари орқали Интернет тармоғи уланди. Бу борадаги ишлар “Ўзбектелеком” АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали томонидан амалга оширилди. |
| 11 | Давлат Хизматлари Агентлиги томонидан ажратилган компьютерларни Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги “Электрон кундалик” тизимига уланган ва сиғими катта мактабларга етказиб бериш | Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат Хизматлари Агентлиги томонидан ажратилган компьютерларни Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги “**Электрон кундалик**” тизимига уланган ва сиғими катта мактабларга етказиб бериш юзасидан февраль ойида тегишли мактабларга ажратилган компьютер техникалари барча туманларга етказиб берилди. |
| 12 | Мактаблардаги Интернет тармоғини **Education** тарифларига ўтказиш. | Барча юқори тезликдаги Интернет тармоғига уланган мактаблар EDUCATION тариф режаларига ўтказилди. Бунда мактаб ўқувчилар сони 500 дан кам мактаблар EDUCATION-1 (10мб/с), 500дан 1000 гача ўқувчиси бор мактаблар EDUCATION-2 (40мб/с) ва 1000дан ортиқ ўқувчиларига эга мактаблар EDUCATION-3 (100мб/с) тариф режаларига уланди. |
| 13 | “Электрон кундалик” тизимини кенгайтириш | Жорий йилнинг февраль ойида янгидан **116 та** мактаб “Электрон кундалик” тизимига уланди. Шу билан, ҳозирги кунгача вазирлик тасарруфидаги **258 та** мактабларда ўқув жараёнини автоматлаштиришга қаратилган “Электрон кундалик” |

| | | |
|---|---|---|
| | | тизими жорий этилди. Ушбу тизим мультимедиа саҳифаларида видеодарслар мажмуаси бўлиб, ўқитувчи ва ўқувчилар дарс жараёнида ва дарсдан ташқари пайтларда ушбу саҳифалардан самарали фойдаланиб келишмоқда. Тизимда иш юритиш бўйича қўшимча семинарлар ўтказиб келинмоқда. |
| 14 | Мактабларда замонавий компьютер техникаларига бўлган эҳтиёжни ўрганиб чиқиш. | Жорий йилнинг январь ойида мактабларда замонавий компьютер техникаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш мақсадида хатлов ўтказилди. Хатлов натижалари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига 2021 йилда компьютер таъминоти режасига қўшиш учун тақдим этилди. |
| 15 | 2020-2021 ўқув йилида 9-синф битирувчилари ва 11-синф битирувчилари ҳақидаги маълумотларни www.attestat.uzedu.uz электрон базасига киритиш. | 2020-2021 ўқув йилида жами 27377 нафар 9-синф битирувчилари ва 24136 нафар 11-синф битирувчилари ҳақидаги маълумотларни www.attestat.uzedu.uz электрон базасига киритиш ишлари тегишли туман(шаҳар) халқ таълими бўлимларига қарашли умумтаълим мактаблари томонидан олиб борилиб, режа 100% га бажарилди. |
| 16 | Республикамиздаги давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларига 2021-2022 ўқув йили учун қабул квоталарини шакллантириш. | Республикамиздаги мавжуд жами 57 та давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларидан 48 та таълим муассасасига 1980 нафар ўқувчига квотага таклиф берилди ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Давлат тест марказининг 2021 йил 8 июндаги 49к/к-, 07/ққ-сонли қўшма қарори билан квоталари тасдиқлаб берилди. |
| 17 | Ўқув йили якуни бўйича давлат имтиҳонларини муваффақиятли топширган мактаб битирувчиларига давлат намунасидаги аттестат(шаҳодатнома) ларни бериш ишларини ташкил қилиш. | Ўқув йили якуни бўйича давлат имтиҳонларини муваффақиятли топширган жами 27377 нафар 9-синф битирувчилари ва 24136 нафар 11-синф битирувчилари давлат намунасидаги аттестат(шаҳодатнома) лар тўлиқ етказиб берилди. |
| 18 | 2021-2022 ўқув йили учун умумтаълим мактабларининг 1-синфига келадиган ўқувчилар квотасини туман(шаҳар) лар кесимида шакллантириш ва | 2021-2022 ўқув йили учун умумтаълим мактабларининг 1-синфига келадиган 32268 нафар ўқувчилар квотасини туман(шаҳар) лар кесимида шакллантирилди ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан тасдиқланди. |

| | | |
|---|---|---|
| | тасдиқлатиш ишларини амалга ошириш. | |
| 19 | **vacancy.argos.uz** сайти орқали вакант лавозимларни элон қилиш | 2021 йилнинг ўтгна олти ойи давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси филиали билан биргаликда **vacancy.argos.uz** сайти орқали Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги вакант ўринлар мустақил очиқ танловга қўйилиб бугинги кунга қадар **23 та** лавозимларга танловда иштирок этиш учун **202** нафар номзод ариза бериб шундан **22 та** лавозимга муносиб деб топилганлар билан меҳнат шартномалари тузилди. |
| 20 | Умумий ўрта таълим мактабларининг қурилиш таъмирлаш ишлари | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги «2021-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4936-сонли қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси бўйича жами 22 та умумтаълим мактабларига жами 82,7 млрд.сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари (жумладан 14 та реконструкция ва 8 та капитал таъмирлаш) олиб бориш режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда ушбу таълим муассасаларининг лойиха-смета хужжатлари ишлаб чиқилиб, Тендер савдолари ўтказилиб, пудратчи ташкилотлар билан шартномалар тузилган ва 22 та умумтаълим мактабларида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқта.<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрель кунги «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-5048-сонли Қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги 25 та умумтаълим мактаблари биноларини қурилиш-таъмирлаш ишларига (жумладан 11 та реконструкция ва 14 та капитал таъмирлаш) олиб бориш режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда ушбу таълим муассасаларининг лойиха-смета хужжатлари ишлаб чиқилиб, амалаг ошириш учун 43,1 млрд. сўм маблағ ажратилиши белгиланган, бугинги кунда объектларнинг лойиха-смета хужжатлари ишлаб чиқилиб, қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқта.<br>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 3 июндаги 284-Ф-сонли Фармойишига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими |

| | | |
|---|---|---|
| | | вазирлиги тасарруфидаги 533 та умумтаълим мактаблари биноларини сайлов участкаларига бириктирилган бўлиб, шундан бунги кунда 533 та объектларини қайта хатловдан ўтказилганда 392 та таъмир талаб умумтаълим мактабларини таъмирлаш ишларига жами 40 363,8 млн. сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган бўлиб, бугинги кунда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. |
| 21 | Онлайн теледарслар тайёрлаш | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 августдаги «Умумтаълим мактабларида 2020-2021-ўқув йилига таёргарлик кўриш ишлари туғрисида"ги 69-сонли видеоселектор мажлис баёнининг 28-бандида умумтаълим мактабларида қорақалпоқ тилида онлайн теледарсларни тайёрлаш вазифаси юклатилган бўлиб, умумтаълим мактаблари учун қорақалпоқ тилидаги теледарсларга 100 дан ортиқ педагог ходимлар жалб қилинган бўлиб, ҳафталик 120 соатлик теледарслар 2020 йил 14 сентябрдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Телерадиокомпанияси билан биргаликта эфирга бериб келинмоқда.<br>2021 йилнинг январь-май ойлари давомида: 1-11-синфларда жами 1700 теледарс тасвирга олинган бўлиб, шундан 1700 теледарс тўлиғи билан эфирга берилди. |
| 22 | Қўқон олимпиадаси | Қўнғирот тумани 50-сонли ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг 10-синф ўқувчиси Азатов Уткирбек совринли ўринни эгаллаб, Қўқон университетига грант асосида имтиёзли ўқишга қабул этилиши бўйича Инвестиция ваучерига эга бўлди. |
| 23 | "Қорақалпоғистон тажрибаси"ни амалга ошириш | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2021 йил 25 мартдаги Қорақалпоғистон Республикасида таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш ва илим-фан саҳосини янада ривожлантириш бўйича тасдиқланган "Йўл харитасининг" 13-бандида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим маркази ва Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги билан биргаликта 2021 йил 31 март куни "Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими тизимида илғор иш-тажрийбалари оммалаштирилган ўқитувчиларни билим сифати паст бўлган умумтаълим мактабларига сафарбар этиш, ўзаро методик ёрдам кўрсатиш бўйича **"Қорақалпоғистон тажрибаси"** ни амалга |

| | | |
|---|---|---|
| | | режаси белгиланган. Мазкур режа ижросини таьминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан 2020 йил 7 декабрда «Қорақалпоғистон республикасидаги умумий ўрта таьлим муассасаси педагогларига фанлар кесимида қисқа муддатли малака ошириш курсларини ўқув-методик қўллаб-қўвватлаш, ташкил этиш учун бириктирилган олий таьлим муассасалари Рўйхати” тасдиқланиб, 2021 йилнинг март ойидан бошлаб онлайн шаклда 12 та умумтаьлим фанлари бўйича **20 507 нафар** (мутахассис ва 2-тоифали) ўкитувчилар қисқа муддатли малака ошириш курсларига қамраб олинди.<br>Қисқа муддатли малака ошириш курсларрини муваффақиятли тамомлаган фан ўкитувчиларига Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таьлими вазирлиги ва тегишли Олий таьлим муассасалари томонидан электрон сертификат берилиши белгиланган. 2021 йилнинг март-июн ойлари давомида 20507 нафар фан ўкитувчиларидан 1850 нафар ўқитувчи қисқа муддатли малака ошириш курсларини муваффақиятли тамомлаб, махсус сертификатни олишга муваффақ бўлди. |
| 26 | Финляндия тажрибасини умумтаълим мактабларига жорий этиш | Финляндиянинг таълим тизимидаги ижобий тажрийбасини амалиётга жорий этиш мақсадида умумий ўрта таълимнинг Миллий ўқув дастури ишлаб чиқилиб, янги ўқув йилидан 1- ва 2-синфларда жорий этилиши режалаштирилмоқда. Бу бўйича жорий йилнинг 28-30-июн кунлари ЎзРХТВ ҳузуридаги Республика таълим маркази томонидан Республика миқиёсида мақсадли семинар ташкил қилинди. Янги 2021/2022 ўқиш йилидан бошлаб, Қорақалпоғистон Республикасидаги 727 мактабда, 73237 нафар ўқувчи янги дастур ва дарсликлар асосида таълим олиши йўлга қўйилди.<br>Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида Миллий ўқув дастурини доимий равишда тажрийба-синовдан ўтказиш мақсадида 5 та умумтаълим мактаблари (Амударьё туманидаги 40-сон мактаб, Қўнғирот туманидаги 43-сон мактаб, Беруний туманидаги 66-сон мактаб, Хўжайли туманидаги 3-сон мактаб, Нукус шаҳридаги 17-сон мактаб) апробация майдончалари сифатида танлаб олинди. Ушбу мактабларда дарслик макетларини тажирийбадан ўтказиш жараёнлари 2021/2022 оўқув йилидан бошлаб ўтказилади.<br>Шунингдек, UNESCO билан биргаликда ва ушбу ташкилотнинг Халқ таълими |

| | | |
|---|---|---|
| | | вазирлиги ҳузуридаги А.Авлоний номидаги илмий-тадқиқот институти томонидан хорижликлар билан бирга илғор педагтгтк технологиялар, шундан **Финляндиянинг Хельсинки Университетининг илмий тажирийбасидан фойдланган ҳолда яратилган** LMS платформаси орқали Қорақалпоғистон Республикасида иш олиб бораётган **148** нафар фан методистларининг малакаси оширилиб, тегишли сертификатлар берилди.<br>UNESCO билан биргаликда ушбу ташкилотнинг молиялаштириши ёрдамида Қорақалпоғистон Республикасида **30** умумтаълим ташкилотлари раҳбарлари ва педагог ходимларини май-июн ойларида халқаро стандартлар асосида малака ошириш курсларига тажирийба-синов тарзида тортиш ишлари режалаштирилган. Ушбу малака ошириш курсларида Финляндия тажирийбасидан кенг фойдаланиш назарда тутилган. |

**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Халқ таълими вазири** **Р.Реимов**